Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил **24 август**
ЧОРШАНБА
**№ 68** (12912)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## "ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ" УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон – **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

**Курбанов Равшанбек Давлетович** – "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори

**Ражабов Шарипбой** – Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Умматов Эркин Рахманович** – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари – "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи

**Шарапова Мухаббат Араповна** – Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 23 август



**Курбанов Равшанбек Давлетович**



**Ражабов Шарипбой**



**Умматов Эркин Рахманович**



**Шарапова Мухаббат Араповна**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 149 775 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 292 940 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 179 755 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2016 йилнинг 1 октябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 22 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XXXI ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сонли қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

<u>олтин медаль олгани учун</u>

ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Нурудинов Руслан Шамилевич – оғир атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Дўсматов Хасанбой Марфжон ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Зоиров Шахобидин Шокирович – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Гаибназаров Фазлиддин Хасанбаевич – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

<u>кумуш медаль олгани учун</u>

ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Гиясов Шахрам Джамшедович – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Мелиқўзиев Бектемир Рўзматжон ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

<u>бронза медали олгани учун</u>

ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Ахмадалиев Муроджон Қаҳор ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Тулаганов Рустам Тўлқин ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Собиров Ришод Рашидович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Урозбоев Диёрбек Бахтиёр ўғли – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Тасмурадов Елмурат Зулипхарули – юнон-рум кураши бўйича терма жамоа аъзоси;

Наврузов Ихтиёр Каримович – эркин кураш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Магомед Идрисович – эркин кураш бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада – АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисобрақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртманомалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 23 август

*"Тошкент" халқаро аэропортидан репортаж*



## СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ОФАРИН!

**"Рио – 2016"дан Ватанимизга 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронза медаль билан қайтган спортчиларимиз тантанали кутиб олинди**

...23 август, соат 20:00. "Тошкент" халқаро аэропорти. Минглаб ватандошларимиз Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиада баҳсларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимизни кутиб олиш учун тўпланган. Ҳамманинг кўзида қувонч ва шодлик, фахр-ифтихор ҳисси балқийди. Айниқса, чемпионларнинг ота-оналари, яқинларининг ҳаяжонини англаш, ҳис қилиш қийин эмас. Ҳар нафасда бу ерга жам бўлган минглаб ватандошларимизнинг олқишлари, "Ўзбекистон, Ўзбекистон!" деган оташин ҳайқириқлари янграйди.

Тантанали кутиб олиш маросимида давлат ва жамоат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари, эл севган санъаткорлар, ёшлар, спортчиларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва яқинлари жам бўлишган. Бугун юртнинг музаффар спортчилари сафида бўлган вилоятимиз вакиллари – Олимпиаданинг олтин ва бронза медаллари совриндорлари Фазлиддин Ғойибназаров ва Элмурод Тасмуродовнинг оила аъзолари ҳам қўлларида гулдаста билан дилбандларини қарши олгани чиқишган. Чор-атроф анвойи гулларга бурканган, ранг-баранг чироқлар қалбларга нақшланган, бугун ҳар бир юртдошимизнинг юрак нидосига айланган сўзларни ёритиб турибди: "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"

Давоми 2-бетда.

## БЕКОБОДНИНГ ШАМОЛИ БРАЗИЛИЯДА ЭСДИ

*Фазлиддин Ғойибназаровнинг олтин медаль олгани ҳақидаги хушхабар бир зумда юртимиз бўйлаб ёйилди. Бозор-у гузарларда ўзгача сурур, иштиёқ, кўтаринки руҳ пайдо бўлди. "Кўрдингми, мана бундоқ қилиб туширди!" дейди завққа тўлган боболар бир-бирига.*

Фахр

### Йўлдаги ўйлар

Бекобод фарзанди Фазлиддин Ғойибназаров Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича вазни 64 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда озарбайжонлик Лорензо Коллазо Сотамайорни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва чемпионатнинг олтин медали билан тақдирланди.

Ғолиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда, унинг кўзларидан оққан қувонч ёшлари нафақат бекободликларни, балки бутун халқимизни ҳаяжонга солди, десак янглишмаймиз. Зеро, Олимпиада ўйинларидек нуфузли мусобақада беш жанг ўтказиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонишнинг ўзи бўлмайди. Буни спорт билан шуғулланганлар яхши билади.

2015 йилнинг 6-15 октябрь кунлари Қатарнинг Доҳа шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XVIII Жаҳон чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланиб, ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритган вилоятимиз вакили Фазлиддин Ғойибназаров мухбиримизга берган интервьюсида Рио Олимпиадасидан албатта медаль билан қайтишини айтган эди. Мард ва жасоратли ўғлон ўз сўзининг устидан чиқди. У нафақат медаль билан, балки бокс тарихига ўзининг, Ватанимизнинг номини зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қайтди.

Шундай ўйлар оғушида, обод манзиллар, сўлим боғ-роғлар оралаб Бекобод шаҳрига етиб келдик. Йўлда учраган дастлабки кишидан сўраймиз: "Чемпионни уйи қайси томонда?". "Бораверинг, тўғри кетаяпсизлар, ўша томонда" дейди йўловчи мамнун кулимсираб. Воқеан, унинг шу бир оғиз сўзи дилга яна ажиб бир чўғ ташлади. "Ҳа, энг тўғри йўл – Ватанга шараф келтирадиган йўл", деб ўйладик.

### Уйда янги меҳмон, Риода олтин медаль...

"Металлург" маҳалласи гавжум. Кўчада карнай-сурнай садолари янграб турибди. Эл ўз ўғлининг улуғ ғалабасидан сармаст, ҳамма бир-бирини табриклайди. Шу тобда етти-саккиз ёшлардаги болакай бошқаларга гурунг бериб турганига кўзимиз тушди. "Фазлиддин акам, Сўтамайорни шуннай бир урди, оғонаб кетай деди", дея завқ билан гап бериб турган йигитча Фазлиддиннинг кенжа укаси Зайнобиддин экан. Хонадон аҳллари билан кўришдик.

– Фарзандим мустақиллик тенгдоши, – дейди чемпионнинг отаси Ҳасанбой Ғойибназаров. – У мамлакатимиз истиқлолининг 25 йиллиги арафасида ўзининг 25 ёшини қарши олди ва юксак натижасини энг улуғ ва энг азиз байрамимизга муносиб совға бўлганлигини айтди. Мен бундан ғоятда фахрландим. Зеро, фарзандларимиз спорт ва бошқа соҳаларда мустақиллигимиз шарофати, Президентимиз томонидан яратиб берилаётган юксак эътибор ва шароитлар туфайли мана шундай юқори чўққиларни забт этиб келмоқдалар. Фазлиддиннинг бу ютуғи бутун ўзбек ўғлонларининг ғалабасидир.

Давоми 3-бетда.

# СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ОФАРИН!

Рио-де-Жанейро (Бразилия)да 5-21 август кунлари бутун дунё аҳлини ҳаяжону ҳайратга солган спорт байрами поёнига етди. Унда 206 мамлакат вакиллари спортнинг 33 тури бўйича беллашди. XXXI ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари тўртта олтин, иккита кумуш ва еттита бронза медалига сазовор бўлдилар. Хусусан, мазкур тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида истеъдодли чарм қўлқоп усталаримиз Ҳасанбой Дўсматов (49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг), Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг), оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов (105 кг) олтин, Шаҳрам Ғиёсов (69 кг), Бектемир Мелиқўзиев (75 кг) кумуш, дзюдочиларимиз Диёрбек Ўрозбоев (60 кг), Ришод Собиров (66 кг), юнон-рум курашчимиз Элмурод Тасмуродов (59 кг), боксчиларимиз Рустам Тўлаганов (91 кг), Муроджон Аҳмадалиев (56 кг), эркин курашчиларимиз Ихтиёр Наврўзов (65 кг), Магомед Ибрагимов (97 кг) бронза медалини қўлга киритиб, Ватанимиз шаъну шавкатини кўкларга кўтардилар. Олимпия чемпиони, полвонимиз Руслан Нурудиновнинг оғир атлетика бўйича Олимпиада рекордини янгилагани кўксимизни янада фахр ва ифтихорга тўлдирди.

... Соат 21.30. Олимпиада қаҳрамонлари ёруғ юз билан йиғилганларга пешвоз чиқа бошладилар. Ҳар бир спортчининг эл-юрт олдига мардонавор чиқиб келиши гулдурос, давомли қарсаклар ва "Яшасин, Ўзбекистон!" деган садолар билан кутиб олинди.

Тантанали маросимда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н. Йўлдошев, Ўзбекистон халқ артистлари Э. Комилов, О. Назарбеков, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, таэквондо бўйича Жаҳон чемпиони Д. Холжигитова, Олимпиада чемпиони Ҳ. Дўсматовнинг онаси Д. Ҳайитбоевалар Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг шароитлар ва уларнинг самараларини мамнуният билан таъкидладилар. Музаффар спортчиларимиз номидан сўзга чиққан чемпионларимиз эса мамлакатимизда ёшлар камолотига, хусусан, спортга берилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга самимий ташаккур билдиришди.

Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, эътибор ва ғамхўрлик самараларини Олимпия ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб қатнашиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётган спортчиларимиз тимсолида кўриб, билиб турибмиз.

Мисолларга эътибор қаратайлик. 1996 йилда АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган ёзги Олимпия ўйинларида бир кумуш, бир бронза медали билан кифояланган эдик. Орадан тўрт йил ўтиб, Сидней Олимпиадасида спортчиларимиз бир олтин, бир кумуш ва икки бронза медалига сазовор бўлишди. 2004 йилги Афина Олимпиадасида ҳамюртларимиз икки олтин, бир кумуш ва икки бронза медали билан тақдирландилар. Пекинда ўтказилган 2008 йилги ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари бир олтин, икки кумуш ва уч бронза медалини қўлга киритишди. Бундан тўрт йил муқаддам Лондонда ўтказилган Олимпиадада вакилларимиз бир олтин ва икки бронза медали билан қайтишганди.

Бу гал Рио-де-Жанейро Олимпиадасида эса спортчиларимиз жами 13 медални қўлга киритиб, 207 мамлакат спортчилари орасида 21-



Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

ўринни эгаллашди. Ҳамюртларимиз эришган натижа МДҲ мамлакатлари ўртасида иккинчи, Осиёда эса Хитой, Япония ва Жанубий Корея вакилларидан сўнг тўртинчи, Марказий Осиё давлатлари орасида эса энг юқори натижадир.

– Мен ўз фарзандларини бундай юксак эътибор билан кутиб олаётган Ватаним борлигидан ғурурланаман, – деди Олимпиада ўйинларининг олтин медали соҳиби Фазлиддин Ғойибназаров. – Биз мана шу дақиқалар учун курашдик, сизларнинг олдингизда, Президентимизнинг олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун ғалабаларга ташна бўлдик.

Фазлиддин, кечагина барчани ҳаяжонга солган ўктам ўғлон мардонавор сўзлар экан, барчанинг нигоҳи унга қадалди, фарзандини узоқ вақт интиқиб кутган онаизор эса қувонч ёшларини яшира олмади. Юзлаб теле ва фото камералар айни ҳолатни, шу лаҳзаларни муҳрлашга шошади.

Тантанали маросим чоғида санъаткорлардан бири топиб-билиб шундай лутф қилдики, беихтиёр айни фикрга қўшиласан киши: "Санъаткорларнинг мухлиси кўп бўлади. Ўзини "юлдуз" санайдигани қанча. Аммо мана ҳозир, шу лаҳзада даврамизнинг юлдузлари асл ўғил-қизларни вояга етказган ота-оналар бўлишади. Сизлар ва фарзандларингиз буюк Ўзбекистонимизнинг чинакам юлдузларидирсиз!".



Кеча сўнгида Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков жўшиб куйлади, қўшиқнинг "Хизматингда турмасам сени, болам дема, Ватаним мени" дея айтилгувчи нақоратига Олимпиада чемпионлари, спортчилар, уларнинг яқинлари жўр бўлишди.

* * *

... Тунги Тошкент. Ўз фарзандларини қутлаётган обод, фусункор, муаззам шаҳрим, ғалабалар муборак!

Тантанали маросим якунига етгач, Олимпиада иштирокчилари ва уларнинг яқинлари жам бўлган автобуслар карвони Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси биносига қараб йўл олди. Бу карвон шаҳримиз кўчалари бўйлаб ўтиб бораркан, қалб амри ва ватанпарварлик ҳисси туфайли кўчаларни тўлдириб турган минглаб юртдошларимиз чемпионларга, уларнинг ота-онасига эҳтиром билан қўл силкиб, эзгу тилакларини йўллайди. Айни манзара фарзанди туфайли шундай эҳтиромга сазовор бўлиб турган ота-оналарни қанчалар ҳаяжонга солаётганини бир кўрсангиз эди...

Зотан, ўз Ватани, халқи номини сарбаланд қилган ўғлонларини эл-юрт ана шундай эҳтиром билан кутиб олади.

Дарвоқе, автобусда кетиб боракканмиз, Рио де-Жанейрода олимпиадачиларимиз байроқдори бўлган Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи битирувчиси, вилоят бокс мактаби тарбияланувчиси Баҳодир Жалоловнинг онасини суҳбатга чорлаймиз. Суҳбатимиз ғалабалар бизга ёр бўлиб турган шу дамларда баҳодиримизни тезроқ сафга қайтариш, янги марралар сари руҳлантириш ҳақида боради. Воқеан, шу аснода онаизорнинг кўк либоси эътиборимизни тортади ва бунинг боисини уққандек бўламиз. Буни қарангки, "Ўзбек йўлбарси" дея донг таратган Баҳодир Жалоловнинг падари бузруквори яқинда қазо қилган, бу йўқотиш алп йигитнинг шаштини ҳийла сўндириб қўйган экан... Онаизор дам куюниб, дам севиниб сўзлар: "Мана кўрасиз, Баҳодирим ҳали ҳар қандай рақибини бир уриб ағдаради", дерди нуқул. Оналар шаҳд қилдими, бу ўктам, бу музаффар кайфият фарзандга ўтмай қолмайди. Зотан, ўзбек онаси кўзидаги қатъият, шижоат яқин йилларда эришилажак оламшумул ғалабалар йўлини ёритувчи маёқ бўлиб туюлди бизга...

... Спортчилар, уларнинг оила аъзолари жам бўлган автобуслар карвони Ўзбекистон Олимпия қўмитаси биносига яқинлашади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш учун қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Янги бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қўмитанинг ҳудудий вакилликлари фаолияти йўлга қўйилди. Жойларда спорт тадбирларини кенг миқёсда ўтказиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш уларнинг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш ва ушбу мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш имконияти юқори бўлган истиқболли спорт турлари аниқланиб, улар бўйича федерацияларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда айрим федерациялар бирлаштирилди. Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича федерация ва ассоциацияларга ҳомийлар бириктирилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон спортчиларини замонавий тиббий хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ иш бошлади. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратларини муттасил ошириб бориш имкониятига эга бўлдилар.

Яна бир гап. Рио-де-Жанейро Олимпиадаси бутун дунё кўз ўнгида, ўзбек бокси тарихида янги ва нурли саҳифа очганлиги билан аҳамиятли бўлди. Мусобақаларда эркаклар ўртасида рингга чиққан ўн нафар боксчимиздан етти нафари шоҳсупага кўтарилди. Шиддатли ва муросасиз кечган жангларда ҳамюртларимизнинг Куба, Россия, АҚШ, Колумбия, Қозоғистон сингари давлатларнинг номдор спортчиларини мағлубиятга учратганлигини дунё бокс мутахассислари ҳали узоқ йиллар эслаб, муҳокама қилиб юришлари аниқ.

... Соат 24.00. Янги кун бошланди. Бироқ, Тошкент ва тошкентликлар уйғоқ. Шодиёна, тантана овози то тонггача тинмади-ёв. Зотан, ҳақиқий байрам мана энди бошланди!

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**Мансур НАХАЛОВ**
**(суратлар),**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбирлари.**

# ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда қайд этилганидек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2016 йил 18 августдаги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 11 сентябрь, якшанба куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 44-"Кориз" сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилади.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялардан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21, 44-моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди:

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси.

Вилоят сайлов комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан, эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти Кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛИК ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

*"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11 ва 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 44-"Кориз" сайлов округи қуйидаги тартибда тузилсин:

**44-"Кориз" сайлов округи:**

Маркази – Пискент хизмат кўрсатиш ва технология касб-ҳунар коллежи биноси.

Ҳудудий чегараси: Пискент туманининг бир қисми. Кориз, Келовчи, Муротали, Дўнгкўрғон қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 30799.

Сайлов участкалари сони – 11 (1).

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 19 август.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛИК ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

*"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган 44-"Кориз" сайлов округи депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

**44-"Кориз" сайлов округи:**

**Комиссия раиси:**

**Азимов Бахтиёр Мамирович** – Пискент тумани "Култепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Комиссия раиси ўринбосари:**

**Атакулов Бекзод Машрапович** – Пискент тумани "Атакулов Машрап" фермер хўжалиги раҳбари

**Комиссия котиби:**

**Тўйчиев Улуғбек Чинпўлатович** – Пискент хизмат кўрсатиш ва технология касб-ҳунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари

**Комиссия аъзолари:**

**Тошматова Нигора Анорбоевна** – Пискент тумани А. Дўстбеков қишлоқ фуқаролар йиғини бош шифокори

**Юсупова Гавҳар Ҳайитбековна** – Пискент маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Шерматов Эргаш Маннопович** – Пискент тумани Келовчи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Гафурова Гулчехра Эгамкуловна** – Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Иманкулов Абдумажит Абдусатторович** – Пискент тумани Дўнгкўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Умаров Музаффар Эргашевич** – Пискент тумани "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Округ сайлов комиссиясининг манзили:**

Тошкент вилояти, Пискент тумани, Кориз қишлоқ фуқаролар йиғини. Телефон: (95)-515-36-39.

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 19 август.

### Агар огоҳ сен...

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тобора яқинлашиб келаётган шу кунларда муқаддас Ватанимиз, унинг бугуни ва эртанги истиқболи учун меҳнат қилаётган миллионлаб юртдошларимиз қатори қалбимизда бир олам фахр-ифтихор билан яшаяпмиз.*

# ДАХЛДОРЛИК САОДАТИ

Қаранг, Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, дунёдаги саноқли мамлакатлар қатори жадал ривожланиб бораяпти. Истиқлол йилларида аҳолимизнинг реал даромадлари 12 мартага кўпайибди. Бу ҳазилакам гапми? Мамлакатимиз Ер юзидаги энг тез ривожланаётган давлатлар сафида эканига нима дейсиз? Буни кўп йиллардан буён ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани ҳам яққол ифода этади.

Бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикдир. Кўриб-эшитиб турибмиз-ку, дунёда нималар бўлаётганини. Манаман деган мамлакатлар ҳам сиёсий қарама-қаршиликлар, манфаатлар кураши, яна ҳар турли террорчилар, экстремистик ташкилотларнинг ногаҳоний ҳуружидан гангиб қолаяпти. Нотинч диёрларда ҳам сизу биз каби инсонлар яшайди, ахир. Уларнинг ҳам бир олам орзу-умидлари, ният истаклари бор-ку. Дарвозасининг орқасидан ўқ овози эшитилиб турган бундай инсонлардан сўранг, тинчлик деган неъматнинг қадрини.

Бир қўшиқда куйланганидек, бундай саодатли кунлар, тинч ва фаровон ҳаёт ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас. Уни барқарор сақлаб туриш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Онажонлар сочи бевақт оқармасин, келинчаклар чеҳраси гулгун бўлсин, гўдаклар юзи сарғаймасин, десак, тинчликни асрайлик, қадрига етайлик. Бу сизга, бизга, ҳаммамизга дахлдор вазифа.

**Дилшод РИСБОЕВ,**
**Халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ тумани кенгаши депутати.**

# ЭЛГА ЯРАШГАН ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

*Халқимизда азалдан тозалик ва орасталикка, ободончиликка алоҳида эътибор қаратилган. Юртдошларимизнинг ана шу олижаноб фазилатлари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида яна бир карра яққол намоён бўлди.*



Зеро, халқимиз ҳашарни меҳр-оқибат, аҳиллик ҳамда дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи удум сифатида эъзозлаб келади. Ҳар йили катта байрамлар арафасида умумхалқ ҳашарлари ташкил этилиб, шу куни маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилади, ариқ-зовурлар тозаланади, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилади.

Икки кун давом этган тадбирда вилоят бўйича 1 миллион 500 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Уларнинг 948 мингдан зиёди ёшлардир.

– Ҳашар кунлари вилоятимиз бўйича 8 минг 154 гектар майдон ободонлаштирилиб, 4 минг 460 километрдан зиёд ариқ ва лотоклар тозаланди. 7 минг 800 тоннадан зиёд чиқиндилар белгиланган жойларга чиқариб ташланди. Бунинг учун 1624 та техника воситалари жалб этилди, – деди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Азиз Абдуазимов. – Бундан ташқари, 746 қабристон, 27 зиёратгоҳда тозалаш ва ободонлаштириш ишлари ўтказилди. 1 миллион 190 минг тупдан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Ҳашар давомида давлатимиз сиёсатининг асосий бўғини бўлмиш ижтимоий ҳимоя йўналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди. Ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий мадад берилди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тадбирлар юртдошларимизни Ватан равнақи йўлида янада фидойи бўлиш, уни бунданда обод ва фаровон қилишга ундайди. Халқимиз руҳиятини кўтариб, энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олишга хизмат қилади.

**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

# БЕКОБОДНИНГ ШАМОЛИ БРАЗИЛИЯДА ЭСДИ

Чемпионимиз ҳали Бразилияда эканида фарзандли бўлибди. Шундай қилиб, Олимпиада чемпиони Фазлиддин Ғойибназаровни уйида эндигина дунёга назар ташлаётган қизалоқ – Ҳадичабону ҳам кутиб турибди. Ҳа, омад ҳам, бахт ҳам қўшалоқ келади, деб шуни айтадилар.

Вақт чошгоҳдан ўтган маҳали яна одамлар жонланди, карнай-сурнай садолари остида ўйин-кулги авж пардаларга кўтарила бошлади.

Чемпион хонадонига бир гуруҳ фаоллар ҳамроҳлигида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи И. Эргашходжаев келиб, оилани, маҳалла аҳлини ушбу улкан ғалаба билан самимий қутлади.

## «... устозингдан айрилма»

Бокс бўйича илк сабоқларни "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти қошидаги спорт мактабида тажрибали мураббий Аброр Турсунпўлатовдан олган Фазлиддин 10 ёшидан бошлаб спортнинг шу тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Истеъдодли спортчининг эришган муваффақиятлари ҳам салмоқли. Ўз вазн тоифасида тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати ва Жаҳон ёшлар универсиада ўйинлари кумуш медали совриндори. Бундан тўрт йил олдин Озарбайжоннинг Баку шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби, яна қатор нуфузли халқаро мусобақалар ғолиби. Ана энди ушбу рўйхатга Олимпиада ўйинлари ғолиби, деган шарафли сатрлар ҳам қўшилди.

– Мен Фазлиддинни жуда яхши биламан, – дейди "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятига қарашли спорт мактаби мураббийси, чемпионнинг илк устози Аброр Турсунпўлатов. – Кўлимга келган дастлабки кунданоқ унинг тиришқоқлигини, ўзига хос истеъдодга эгалигини ҳис этганман. Шу кундан бошлаб унга сен келажакда чемпион бўласан, деб уқтириб келдим. Ҳаётда камсуқум, камтарин бўлган Фазлиддин рингда ҳар қандай рақибига муносиб жавоб бера олади. Мактабимиз ўқувчисининг чемпион бўлганидан беҳад мамнунмиз.

Фазлиддин таълим олган мактабдамиз. Шаҳар марказида жойлашган мазкур 16-умумтаълим мактаби нафақат вилоятимиз, республикамизда ҳам ўз ўрнига, нуфузига эга таълим масканларидан биридир. Шинам, ораста, янги ўқув йилига шай масканга кирарканмиз, яна бир ажойиб гурунгнинг устидан чиқдик. Маълум бўлишича, узоқ-яқиндан келганлар чемпионнинг илк устозини ўртага олиб, саволларга кўмиб ташлаётган эканлар. Савол бергувчиларга назокат ва камтаринлик билан жавоб йўллаётган муаллима – Фазлиддиннинг илк устози Мунаввар Турсунова бўлади. Биз ҳам устознинг сўзларига қулоқ тутамиз.

– Фазлиддиним олтин медаль олган кечада ухлаёлмадим. Тонгга қадар унинг болалик йиллари, шўх-шодон дамларини эслаб ўтирдим. Эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб турган бундай паҳлавонни тарбиялашга камтарона хизматларим сингган экан, бундан бошим кўкка етди. У ёшлигиданоқ бир сўзли, мард ва ориятли бола эди.

Муаллима сўзлар, шу аснода кўзларидан севинч ёшлари қуйилар, юзларида ажиб бир меҳр, самимият акс этиб турарди. Бундай ҳаяжонли дамларни фақат кўриш, ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилиш мумкин. Уни қоғозга тушириб бўлмайди...

## Финал...

Дарвоқе, финал кечаси Ғойибназаровлар хонадони яқинлари, маҳалладошлар билан лиқ тўлди. Йиғилганларнинг барчаси телевизор орқали боксчимизнинг финал учрашувини томоша қилиб, унга муваффақият тилаб ўтиришди. Спортчининг нуфузли мусобақада эришган улкан муваффақияти муносабати билан ташкил этилган учрашув ҳам шаҳар жамоатчилигининг катта тантанасига айланиб кетди. Шаҳар ва вилоят ҳокимлари, "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти раҳбарияти, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари чемпионнинг ота-онасини юксак ғалаба билан қутлашди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор Фазлиддин сингари истеъдодлар тимсолида яққол намоён бўлаётгани таъкидланди. Вилоятимизнинг яна бир полвон йигити – юнон-рум кураши бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Рио-2016 Олимпиада ўйинларида 59 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган Элмурод Тасмуродов 15 августга ўтар кечаси Ўзбекистон Олимпия терма жамоасига тўртинчи бронза медалини тақдим қилган эди. Ўшанда бу натижанинг қадр-қимматини билган, юракдан ўтказиб турган полвон оталаримиз, ори баланд ҳамюртларимиз қувончдан силкиниб-силкиниб йиғладилар. "Раҳмат, сенга полвон укам, юрт орини полвонлар кўтаради, оримизни кўтардинг, азамат", дея фахр-ифтихорга чўмдилар.











*... Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграмоқда. Бутун арена ўриндиқларини эгаллаб турган дунё мамлакатлари вакиллари ўрнидан туриб баландга кўтарилиб бораётган байроғимизга ҳавас билан боқмоқда. Шоҳсупанинг энг юқорисида турган ўзбек ўғлони қувонч ёшлари билан унга жўр бўлмоқда. Бу катта шараф, катта бахт ва фахр. Ниятимиз бундан буён ҳам мадҳиямиз дунё бўйлаб баралла таралаверсин, байроғимиз бунданда баланд кўтарилаверсин. Фазлиддин сингари ўзбек ўғлонлари юртимиз довруғини оламга таратаверсин.*

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**Мансур НАХАЛОВ (суратлар),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

Бошланиши 1-бетда.


Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 22 августдаги 31-сонли Баённомаси қарори билан:
**Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан,**
"CHIRCHIQ AVTOBUS TAKSOMATOR SAROYI" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар ичида автобусларда ва микроавтобусларда ташиш" шунингдек, "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ва енгил автомобилларда ташиш" фаолиятларини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000139, 000123, 000145, 000122 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2016 йил 23 августдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилди.

**"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига:
I. Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Телов ҚФЙ, Санам қишлоғида сақланаётган: 1. 2015 йил 20 мартдаги 1-5267/15-сонли ижро варақасига асосан, 2009 йилда и/ч., дав/рақ. 10 248 GCA бўлган, "HOWO" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 98 539 000 сўм.
II. Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Олмалиқ ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 1. 2016 йил 8 февралдаги 887-сонли ижро варақасига асосан, 2010 йилда и/ч., дав/рақ. 10 K 471 MA бўлган, "ГБА СПГ НЕКСИЯ " русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 26 946 260 сўм. 2. 2015 йил 10 ноябрдаги 10902-сонли ижро варақасига асосан, 1996 йилда и/ч., дав/рақ. 10 T 123 HA бўлган, "ГБА-ДАМАС-СПГ" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 13 203 632,6 сўм. 3. 2014 йил 16 июндаги 11511-сонли ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 50 F 552FA бўлган, "ГБА СПГ НЕКСИЯ" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 23 293 468 сўм. 4. 2015 йил 10 ноябрдаги 10903-сонли ижро варақасига асосан, 2009 йилда и/ч., дав/рақ. 10 Q 417 EA бўлган, "ГБА-ДАМАС-СПГ" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 23 568 898,64 сўм. 5. 2014 йил 18 мартдаги 6416-сонли ижро варақасига асосан, 2006 йилда и/ч., дав/рақ. 10E 454 CA бўлган, "ВАЗ-21150" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 6 177 215 сўм. 6. 2013 йил 4 октябрдаги 14546-сонли ижро варақасига асосан, 1973 йилда и/ч., дав/рақ. 11A 92-19 бўлган, "ВАЗ-21011" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 717 921 сўм.
III. Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Олмалиқ шаҳри, "Савдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 1. 2016 йил 17 июндаги 6122-сонли ижро варақасига асосан, 2010 йилда и/ч, дав/рақ. 10 R 508 DA бўлган, "ГБА-ДАМАС-СПГ" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси - 28 807 039 сўм. 2. 2016 йил 30 майдаги 4808-сонли ижро варақасига асосан, 1985 йилда и/ч., дав/рақ. 10 T 881 HA бўлган, "ВАЗ-21063" русумли, бошланғич баҳоси - 3 754 333,44 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.
Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 27 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 23 сентябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО 01088, ИНН 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-А уй. Тел.: 239-29-40.
Гувоҳнома № 009293.

**"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бўка тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 13.06.2016 йилдаги 11-1636/6030-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, "Савдогарбанк" ҳудудида сақланаётган, "ЗАЗ-Форза" русумли, давлат рақами 10/979 ТАА бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг, техник ҳолати яроқли бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 46 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 23 сентябрь куни соат 18.00. Юқоридаги мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.
Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.
Гувоҳнома № 001580.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 2015 йил 22 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Мирсалимов Достон Хусенбаевичга тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Боғи сурх кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 800 кв.м., қурилиш ости участка майдони 530,88 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 291,47 кв.м бўлган нотурар-жой объекти такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 123 500 000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 8 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 6 сентябрь куни соат 18.00.
Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.
Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.
Лицензия RR-0001.

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТ "Халқ банки" бир йил муддатга 15 дона ҳар бири 500 та фойдаланувчи (жами 7500 та фойдаланувчи) учун "Kaspersky Total Security for Business STAN and Caucases" антивирус дастури лицензиясини сотиб олиш бўйича танлов муддатини узайтиради.
Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.
1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони:
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефон: (99871) 120-17-90, 120-17-49. www.xb.uz. e-mail: marketing@xb.uz.
2. Танлов мақсади: "Касперский антивирус дастури лицензиясини сотиб олиш".
3. Танлов ўтказилиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 09.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (техник талаблар бўйича алоҳида, нархлари бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2016 йилнинг 2 сентябрь куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.
**АТ "Халқ банки".**

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига:
I. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 10.12.2010 й. 1049/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 4 531 793,19 сўм бўлган, 1983 йилда и/ч., дав/рақ. 11A6717, "Камаз 5320" русумли техник носоз; 2. 05.10.2012 й. 7559/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 944 671,10 сўм бўлган, 1980 йилда и/ч., дав/рақ. 10T297CA, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз; 3. 15.10.2012 й. 7983/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 738 568,06 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., дав/рақ. T8305TШ, "УАЗ-469Б" русумли техник носоз; 4. 17.05.2016 й. 5106/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 34 198 268 сўм бўлган, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10H638LA, "Нексия" русумли; 5. 17.05.2016 й. 5108/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 38 758 268 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., дав/рақ. 10K148GA "Нексия" русумли; 6. Ангрен шаҳри, "Насаф" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 17.05.2016 й. 5007/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 5 477 274,90 сўм бўлган, 1981 йилда и/ч., дав/рақ. 10A576EA, "ВАЗ-21011" русумли автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2016 йил 12 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.
II. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, ТЙХТПФД гаражида сақланаётган: 1. 27.02.2009 йилдаги 28105/7-сонли ижро варақасига асосан: бошланғич баҳоси - 6 058 148,8 сўм, 1996 йилда и/ч., дав/рақ. 11AA065 бўлган, "ГАЗ 270500" русумли автотранспорт; бошланғич баҳоси - 1 323 310 сўм, 1993 йилда и/ч., дав/рақ. 11AR060 бўлган, "КАВЗ 33976" русумли автотранспорт; бошланғич баҳоси - 1 216 512 сўм, 1984 йилда и/ч., дав/рақ. 11AO071 бўлган, "ГАЗ 53205P" русумли автотранспорт; бошланғич баҳоси - 1 279 749 сўм, 1994 йилда и/ч., дав/рақ. 11AO070 бўлган, "ГАЗ 5201" русумли автотранспорт; 2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Янгийўл Савдо Файз Барака" МЧЖ автомобиллар омборида сақланаётган: Жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани судининг: 1. 2013 йил 17 апрелдаги қарорига асосан, 1992 йилда и/ч., дав/рақ. 11V7534, бошланғич баҳоси - 2 534 241 сўм бўлган "Фордтаунус" русумли автотранспорт; 2. 2010 йил 17 майдаги қарорига асосан, 1977 йилда и/ч., дав/рақ. 11T1218, бошланғич баҳоси - 316 338,6 сўм бўлган, "Москвич-412" русумли автотранспорт; 4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ, Халқобод милиция таянч пуктида сақланаётган, 25.08.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, 1973 йилда и/ч., дав/рақ. 10Ў396EA, бошланғич баҳоси - 1 170 455 сўм бўлган "ВАЗ-2101" русумли автотранспорт; 5. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор ҚФЙ, Чирчиқ кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган, 04.06.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, 1974 йилда и/ч., дав/рақ. 10H407JA, бошланғич баҳоси - 3 426 615 сўм бўлган, "ВАЗ-2101" русумли автотранспорт; 6. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими манзилида сақланаётган, 2015 йил 2 июлдаги 1-306-15-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1982 йилда и/ч., дав/рақ. 10J453KA, бошланғич баҳоси - 1 867 811 сўм бўлган, "ВАЗ-2101" русумли автотранспорт; 7. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими манзилида сақланаётган, 2015 йил 29 июндаги 374/2015-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2014 йилда и/ч., дав/рақ. 10/608TTD, бошланғич баҳоси - 18 370 800 сўм бўлган, "Нексия" русумли; 8. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ манзилида сақланаётган, 12.05.2014 йилдаги 11-1402/1189-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 20 369 232 сўм, 2013 йилда и/ч., дав/рақ. 10/757RAA бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт воситалари такроран савдога қўйилмоқда.
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ, "Apex Tech Trading" МЧЖ ҳудудида сақланаётган, 25.03.2015 йилдаги 1-1108/14-ижро варақасига асосан, "Apex Tech Trading" МЧЖга тегишли, бошланғич баҳоси - 1 289 441 243,7 сўм бўлган, "Сабзавотларни қайта ишлаш ускунаси" такроран қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2016 йил 14 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 02.11.2015 йилдаги 1-614-15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, 43-уй манзилида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси - 28 327 500 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10/517WAA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 2. Бошланғич баҳоси - 29 359 800 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ. 10/805ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 3. Бошланғич баҳоси - 29 359 800 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10/516WAA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 4. Бошланғич баҳоси - 31 531 500 сўм, 2006 и/ч., дав/рақ 10/803ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 5. Бошланғич баҳоси - 30 107 700 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10/827ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 6. Бошланғич баҳоси - 31 887 000 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10P294MA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 7. Бошланғич баҳоси - 42 719 400 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10/829ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 8. Бошланғич баҳоси - 42 719 400 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ. 10/821ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда
Аукцион савдоси 2016 йил 15 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.
III. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан: 16.10.2015 йилдаги ЖСХ-183/15-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар қўрғони, "Энергоқурилишиндустрия" ШК гаражида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси - 50 000 000 сўм, 1979 йилда и/ч., дав/рақ: 10/826 FAA бўлган "Камаз 5410" русумли; 2. Бошланғич баҳоси - 75 000 000 сўм, 2000 йилда и/ч., дав/рақ: 10/827 FAA бўлган "Камаз 65115C" русумли автотранспорт воситалари; 3. Бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм, 1986 йилда и/ч., дав/рақ: 10/0647AA бўлган "ОДАЗ 9370" русумли ярим тиркама (бортли) такроран қўйилмоқда.
IV. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ манзилида сақланаётган: 1. 25.06.2011 йилдаги 1-267-сонли ижро варақасига асосан, 1988 йилда и/ч., дав/рақ. 10A516DA, бошланғич баҳоси - 441 316,97 сўм бўлган, "УАЗ469Б" русумли автотранспорт; 2. 23.07.2015 йилдаги 1-249-2015-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган, 2002 йилда и/ч., дав/рақ. 10P169KA, бошланғич баҳоси - 11 297 846 сўм бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт; 3. 2016 йил 11 февралдаги ижро ҳужжатига асосан, 1983 йилда и/ч., дав/рақ. 10D862BA, бошланғич баҳоси - 4 740 765,41 сўм бўлган, "ВАЗ-21033" русумли автотранспорт воситаси; 4. 2016 йил 10 июндаги ижро ҳужжатига асосан, 1981 йилда и/ч., дав/рақ. 10C640EA, бошланғич баҳоси - 3 932 807,26 сўм бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-2105" русумли автотранспорт воситаси; 5. 2016 йил 8 июлдаги ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили номаълум, дав/рақ. 10A924DA, бошланғич баҳоси - 9 460 029,21 сўм бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-5327" русумли автотранспорт воситалари такророн аукцион савдосига қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2016 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 12 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 9 сентябрь соат 16.00 гача; 2016 йил 14 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 12 сентябрь соат 16.00 гача; 2016 йил 15 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 13 сентябрь соат 16.00 гача; 2016 йил 19 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 16 сентябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.
Гувоҳнома № 006795.

Спорт хабарлари



## ҲОКИМ КУБОГИ ПЕДАГОГЛАРДА

*Зангиота туманида футбол бўйича «Ҳоким кубоги» мусобақалари ниҳоясига етди.*

Давлатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган мусобақада ҳокимият бўлимлари, корхона ва ташкилотлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакилларидан иборат 32 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Финал баҳсида майдонга тушган халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғини жамоалари ўйини кутилганидан да муросасиз бўлди. Қизғин кечган баҳсда халқ таълими ходимлари 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, биринчи ўринни қўлга киритишди. Учинчи ўрин "Келес" жамоасига насиб этди.

Шунингдек, "Энг яхши ўйинчи", "Энг яхши дарвозабон", "Энг яхши мураббий", "Энг яхши ҳакам" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар туман ҳокимининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Нодира АРСЛОНОВА.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

## ҒАЛАБАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

*Вилоят ҳокимлигида Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган XV Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритган спортчилар билан учрашув ташкил этилди.*

*Тадбирни вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси вилоят бўлими уюштирди.*



– XV Паралимпия ўйинларига сентябрь ойида старт берилади, – дейди Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси вилоят бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Азизов. – Вилоятимиздан Одилжон Тўлиндибоев, Феруз Саидов, Шуҳрат Бобоев, Миран Сахатов, Фахриддин Ҳамроев ва Сервер Ибрагимов мазкур нуфузли мусобақага йўл оладилар. Уларнинг кўпчилиги биринчи марта Паралимпия ўйинларида дзюдо, енгил атлетика ва ўқ отиш каби спорт турлари баҳсида иштирок этишади. Ишонамизки, улар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

Спортчилар терма жамоа мураббийлари Наталья Ефимова, Сардор Абдуҳолиқов ва Шамсиддин Саидов раҳбарлигида мунтазам шуғулланиб, маҳоратларини ошириб бордилар.

– Спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланаман, – дейди бўстонлиқлик Миран Сахатов. – Бу Паралимпия ўйинларидаги иккинчи иштироким. Мураббийларим билан мусобақага жиддий тайёргарлик кўрдик. Бизга билдирилган ишончни оқлашга бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Исломжон Эргашходжаев иштирок этди.

**Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*




### МЕТИНДЕК МУСТАҲКАМ

**Одатда бетон цемент, шағал, қум ва сув аралашмасидан тайёрланади. Сингапурлик олимлар ўйлаб топган ConFlexPave материали бетон таркибига яна бир компонент – полимер микротолаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади.**



Улар инсон сочидан юпқа, лекин бетонга қўшилганда уни мустаҳкамлаш хусусиятига эга.

Ихтирочиларнинг сўзларига кўра, янги қурилиш материали металл каби мослашувчан ва оддий бетонга нисбатан камида икки карра кўп юкни кўтаришга қодир.

Бугунги кунга келиб, янги ConFlexPave материали фақат лабораторияда синовдан ўтказилган. Бу ерда одатий стол ўлчамидаги плиталар қўлланган. Кейинчалик бу материалдан университет ҳудудида янги объектлар қурилишида фойдаланиш режалаштирилмоқда. Уларнинг мустаҳкамлик даражаси уч йил давомида синалади.

### ТАКСИ ХИЗМАТИНИНГ ЯНГИ НАМУНАСИ

**"Эсимда ўша дамлар, ўзи учар гиламлар" деб бошланадиган эртакни эшитганмисиз? Ана шу эртакдаги учар гиламларнинг узоқроқ "қариндоши" бўлмиш учар қурилмалар БААда мавжуд.**



Дунёга машҳур "Airbus" авиасозлик компанияси БААда йўловчи ва юкларни ташиш учун муқобил учувчи транспорт воситаларини барпо этмоқчи.

Илк қурилманинг синов парвозлари келаси йил охирида ўтказилиши режалаштирилган. Экспертларнинг сўзларига кўра, учувчи платформани ясаш учун зарур бўлган технологияларнинг аксарияти ҳозирги кунда мавжуд. Лойиҳа йўловчи ва юкларни ташишга мўлжалланган.

Airbus мутахассисларининг тахминларига кўра, яқин 10 йилда шаҳар жамоат транспортида том маънода инқилоб юз беради. Сиз ҳам учар таксида шаҳар айланмоқчимисиз? Марҳамат, йўл чиптасини олишни унутманг.

### ЭШИТИШДАН ШИКОЯТ БЎЛСА...

**Умео ва Претори университети олимлари янги дастур ишлаб чиқишди. Унинг ёрдамида қулоқнинг инфекцион касалликларини аниқлаш мумкин.**



Бунда смартфон фойдаланувчига яқиндан ёрдам беради. Дастур рақамли отоскоп смартфонга уланиши билан автомат равишда қулоқ пардаси шаклини таҳлил қилади.

Ушбу қурилмадан қулоқни текшириш мақсадида доимий равишда фойдаланиш имкони мавжуд. Дастурнинг 78,7 фоиз аниқликда ишлаши эса кўпчиликнинг ҳайратига сазовор бўлмоқда.

**Интернет хабарлари асосида Ф. РАВШАНОВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида




## Нега шундай деймиз?

### «БОШ ОЛИБ КЕТДИ»

Бош аслида барча аъзолар каби одамнинг доимий ҳамроҳи. Кийим-бош сингари уни ечиб, қолдириб кетолмайсиз. "Бош олиб кетди"нинг кўчма маъноси одамнинг номусни букадиган бирор гап ёки ҳодиса туфайли уйдан, қишлоқдан бош олиб, киши билмас жойларга кетиб қолишидир.

Иборанинг яна бир маъноси борки, бу ҳеч қандай мол-мулк, кийим-кечаксиз бош олиб чиқиб кетишни англатади.

### «ҚУЛОҒИНГГА ТАНБУР ЧЕРТДИММИ?»

Бировга жон куйдириб гапирсанг, фикр уқтирсанг, маслаҳат берсанг-у, бу гаплар унинг бу қулоғидан кириб, унисидан чиқиб кетаётганини сезиб қолсанг, худди шу иборани ишлатасан, киши. Одатда ўқитувчи ўқувчиларига, ота-оналар болаларига, устозлар шогирдларига шундай дейдилар.

**Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.**

Одамийлик шеваси

## ОҚИБАТ РИШТАЛАРИ

Абдураҳим катта йўлдан кетиб борарди. Тўсатдан кўзи йўл четидаги машинага тушди. Унда бир кекса аёл ўтирар, атрофга чорасиз алангларди.

Йигит машина ёнига келиб, эски уловидан тушди. Аёл аввалига қўрқиб кетди. Чунки шунча вақтдан бери ҳеч ким унга эътибор бермаган, ёрдам қўлини чўзмаган эди. Бу одам бирор ёмонликни кўзламаганмикин?

– Менинг исмим Абдураҳим, – деб ўзини таништирди йигит. – Сизга ёрдам берай, деб тўхтадим, онахон. Унгача менинг машинамда ўтириб туринг, бир оз исиниб оласиз.

Йигит машинанинг у ёқ-бу ёғини қараган бўлди. Йўқ, унақа ваҳимали нарсанинг ўзи йўқ экан. Ғилдирак тешилибди, холос. Бироқ, кекса аёл буни қандай тўғрилашни билмай, анча азият чеккан кўринади.

Абдураҳим чўккалаб, машина остига кўтармани қўйди. Сўнг қўлларини "куҳ-куҳ"лаб иситганча, ишга киришди. Ғилдиракни бир зумда алмаштириб бўлгач, юзига табассум инди.

Муаммо ҳал бўлганини кўрган аёл:

– Сизга неча пул тўлашим керак? – деб сўради, сўнг шоша-пиша қўшиб қўйди: – Тортинмай айтаверинг, қанчалигинининг аҳамияти йўқ...

Аёл ҳамёнини очганда, ундаги ҳар турли ажнабий пулларни кўриб, Абдураҳимнинг бир лаҳза боши айланди. Беихтиёр энтикди. Дарҳол ўзини қўлга олиб, шундай жавоб қилди:

– Хижолат бўлманг, ҳеч ниманинг кераги йўқ. Мен бир ёрдамга муҳтож одамга кўмаклашдим, холос. Менинг ўзимга ҳам қанча одам ёрдам қўлини чўзган – биргина Ўзига аён. Агар миннатдорчилик билдиришни жудаям хоҳлаётган бўлсангиз, ёрдамга муҳтож бирор одамга дуч келганингизда, унга мурувват қилинг ва мени эсланг...

Аёл қайта-қайта раҳмат айтиб, машинасини юргизиб кетди. Бир неча чақирим юргач, йўл ёқасидаги чоққина тамаддихонага кўзи тушди. Олис йўл олдидан бир оз исиниш, ҳам тамадди қилиб олиш мақсадида емакхонага кирди.

Унга хизмат қилган жувон жуда истарали экан. Кун бўйи оёқда тик турганига қарамай, табассум билан муомала қилди. Иши ҳам, ҳомиладорлиги ҳам, мижозларнинг инжиқликлари ҳам ундаги мулойимликка соя сололмаётган бўлсада, кўзининг туб-тубидан қандайдир бир ташвиши борлиги кўриниб турарди.

Аёл овқатланиб бўлгач, ҳақини ортиғи билан тўлади. Қайтим олиб келингунча эса тамаддихонани тарк этди. Унинг кетиб қолганини кўрган хизматчи жувон ҳайрон бўлди. Шу пайт кўзи стол устидаги қоғозга тушди. Унда шундай сўзлар ёзилганди:

"Ҳайрон ҳам, хижолат ҳам бўлманг. Мен шунчаки, йўл-йўлакай кирган эдим. Бугун менга бир мард йигит самимий ёрдам қилди ва мен ҳам сизга беғараз кўмаклашгим келди. Агар чиндан ҳам менга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлсангиз, шу риштани узиб қўйманг. Пайти келганда бирор муҳтож кишига ёрдам қўлини чўзинг ва мени эсланг..."

Жувоннинг кўзлари намланди. Шундоқ сочиқ остидан ярми чиқиб турган бир даста пулни кўриб, тўлқинланиб кетди, ҳаяжонга тушди. Бу нотаниш, фаришта аёл у ва эри анчадан буён пулга зориқиб юрганини қаёқдан сезақолди экан-а?

Жувон уйга келгач, қарз тўлайман деб бўйни эгилиб қолган эрига мамнунлик билан боқди ва ички ишонч билан деди:

– Қарзингизни бугуноқ тўлаб келамиз, Абдураҳим ака!

**О. ТОЛИБ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Электрон почта:** thaqiqat@umail.uz

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Фарҳод ТОЛИПОВ**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6807. Адади 7286. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 06.00.